

2015 йил 27 июнь кунда
Акциядорлар умумий
йигилиши қарор билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

**«ҒОҮҚОН»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
УСТАВИ
(ЯНГИ ТАХРИРДА)**

1 МОДА

ЖАМИЯТНИНГ НОМИ, МАНЗИЛИ, ЮРИДИК МАКОМИ

1.1.«FOYKON» ОАЖ аввал Узбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 18,09.1996 йилдаги 808-реестр билан руйхатга олинган «FOYKON» ХИФ ОАЖ ва кейинчалик Тошкент шаҳар Миробод туман хокимиятининг 04,06.2002 йилда 564 сонли қарори билан қайта руйхатга олинган «FOYKON» ИФ ОАЖ-нинг вориси ҳисобланади 2005 йил 17 майда R-000780-09 реестр рақами билан «FOYKON» ОАЖнинг устави янги тахрирда Шайхантохур туман Хоқимияти Тадбиркорлик Субъектларни руйхатдан утказиш инспекцияси руйхатга олинган, 2009 йил 29 декабрда № 03-000337 реестр рақам билан «FOYKON» ОАЖнинг устави янги тахрирда Миробод туман Хоқимияти Тадбиркорларлик Субъектларни руйхатдан утказиш инспекцияси руйхатга олинган ва 2013 йил 17 июль № 03-000337 реестр рақами билан «FOYKON» ОАЖнинг устави янги тахрирда ,2014 йил 15 август № 008891-04 реестр рақами билан «FOYKON» АЖнинг устави янги тахрирда Мирзо Улугбек тумани Хоқимияти Тадбиркорлик Субъектларни руйхатдан утказиш инспекцияси руйхатга олинган «FOYKON» АЖ мазкур шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини уз зиммасига олади, шунингдек шу давргача ушбу шахслар томонидан қабул қилинган. тасдиқланган ва имзоланган барча қарор ва қоидалар «FOYKON» АЖ-нинг Уставига зид бўлмаган қисмида қўлланилади.

1.2. Жамиятнинг номи:

- узбек тилида (лотин алифбосида) - «FOYKON» Aksiyadorlik jamiyati
- узбек тилида (кирил алифбосида) - «FOYKON» Акциядорлик жамияти
- рус тилида - Акционерное общество «FOYKON»

Жамиятнинг қисқартирилган номи:

- узбек тилида (лотин алифбосида) - «FOYKON» AJ
- узбек тилида (кирил алифбосида) - «FOYKON» АЖ
- рус тилида - АО «FOYKON»

1.3. Жамиятнинг юридик манзили: Узбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Буз мавъзесн,69-уй, почта индекси 100125, почта манзили: Узбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кучаси 16а уй,705 хона, почта индекси 100015. жамиятнинг электрон почта кутиси fovkon@mail.ru, сайт номи foykon.uz

1.4. «FOYKON» Акциядорлик Жамияти, кейинги уринларда «Жамият» деб номланиб юритилади,

1.5. Жамият юридик шахс мақомига эга бўлиб уз фаолиятини Узбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва мазкур Устав асосида амалга оширади.

1.6. Жамият уставида қўрсатилган моддалар, бандлар Узбекистон Республикасининг қонунларга мос келмаган ҳолат аниқланганда, қонун устуворлиги амал қилади ва акционерлар умумий мажлиси қарори билан жамият уставида қўшимча, узгартиришлар киргизилади.

1.7. Жамият узи томонидан тасдиқланган низомлар асосида филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиш ҳуқуқига эга.

1.8. Жамият юридик шахс мавқеъдаги шубъа ва қарам жамиятларга эгаллик қилишга ҳақли. Жамият ва шубъа ҳамда қарам жамиятлар уртасидаги муносабатлар амалдаги қонунлар ва

мазкур тобе (карам) жамиятлар уртасидаги муносабатлар амалдаги конунлар ва мазкур Устав билан белгиланади.

1.9. Жамият шахсий балансига эга ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ва хориждаги банкларида ҳисоб ва валюта рақамларига, давлат тилида узининг тулик номи битилган думалок муҳрига ва бурчак штампига эга.

1.10. Жамият уз номи ва манзилгоҳи битилган штамплари ва бланклари, уз эмблемаси, ва белгиланган тартибда қайд қилинган маҳсулот белгисига ва бошқа идентификация воситаларига эга бўлишга ҳақли.

1.11. Жамият юридик рўйхатдан утган пайтдан бошлаб, юридик шахс мақомини олади.

2 МОДДА

ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАКСАДИ ВА ТУРЛАРИ

2.1. Жамият фаолиятининг мақсади Акциядорлик Жамияти сифатида акциядорларнинг манфаатларини қўллаб қўйиш.

2.2. Жамият фаолиятининг йўналишлари қуйидагилардир:

- Қимматли қозғалди бозорида амалдаги қонунчилик асосида уз фаолиятини амалга оширади.
- Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, ташкилот қорхона ва қўроқларга хизмат қўратиш ва иш бажариш;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ равишда ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш;
- Экспорт импорт операциялари;
- Юридик шахсларни ташкил этиш ёки уларнинг устав фондида (капиталида) қўшлар билан шунингдек қол-қўқлар ва акцияларни сотиб олиш орқали иштирок этиш;
- Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан чиқарилган қимматли қозғалди, шунингдек қарз мажбуриятларини сотиб олиш;
- Қонунчиликга асосан қўқий ҳуқуқларга эғалик қилиш, шунингдек;
- савдо объектлари ва хизмат қўратиш муҳитига;
- қўи қўйлашган ер қайдони билан қўи қўи қўноларига;
- ер қайдонидан қўдаланиш ва эғалик қилиш (ижара асосида ҳам);
- бошқа табиий ресурслардан қўдаланиш;
- Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига қид қелмайдиған
- фаолият турлари билан ҳам шугулланади.
- Маҳсул рўхсатнома (лицензия) талаб қиладиған фаолият турлари қонунда белгиланган тартибда лицензия олинғандан сунггина амалга оширилади.
- Жамият қелланмаған муқдатга ташкил этилади.

3 МОДДА

ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ

3.1. Жамиятнинг Устав фонди 1 721 477 000 (бир миллиард етти қўи йигирма бир миллион турт қўи етмиш етти қўи) сўм ни ташкил этиб, у хар бнриқнинг қиймати 250 (икки қўи эллиқ) сўмга тенг бўлған 6 885 908 (олти миллион саккиз қўи саксонбеш қўи тўққиз қўи саккиз) дўна эғаси ёзилған оддий акцияларни ташкил этған.

3.2. Жамият жойлаштирилган акцияларга кушимча эълон килинган 10 000 000 (ун миллион) дона эгаси ёзилган оддий акцияларни жойлаштириш ҳукукига эга. Жамиятнинг Устав фонди унинг кредиторлари манфаатларини кафолатловчи минимал мулк микдорини ифодалайди.

4 МОДДА

УСТАВ ФОНДИНИНГ ОШИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

4.1. Устав фондининг оширилиши

4.1.1. Жамиятнинг Устав фонди акцияларнинг номинал кийматини ошириш ёки кушимча акцияларни жойлаштириш йули билан купайтирилиши мумкин.

4.1.2. Жамиятнинг Устав фондини акцияларни номинал кийматини ошириш йули билан купайтириш ҳамда Жамият Уставига тегишли узгартиришлар киритиш ҳақидаги қарор жамият кузатув кенгашида ёки акциядорларнинг умумий йигилишида қабул қилинади.

4.1.3. Жамиятнинг кушимча акциялари фақат Жамиятнинг мазкур Уставнинг 3.2-бандида белгиланган микдордаги эълон килинган акциялар доирасида жойлаштирилиши мумкин.

4.1.4. Жамиятнинг Устав фондини акцияларнинг номинал кийматини ошириш йули билан ошириш ҳамда жамият уставига тегишли узгартиришлар киритиш ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йигилишида ёки кузатув кенгаши мажлисида қабул қилинади. Агар акцияларнинг номинал кийматини ошириш йули билан жамиятнинг устав фондини ошириш ҳамда жамият уставига тегишли узгартиришлар киритиш ҳукуки, акциядорлар умумий мажлиси қарори билан жамият уставига қура кузатув кенгашига ваколат берилган бўлса, жамиятнинг устав фонди кузатув кенгашининг қарори билан оширилади.

4.1.5. Кушимча акцияларни жойлаштириш йули билан жамият Устав фондини купайтириш кушимча жойлаштирилган акцияларнинг номинал киймат микдорида қайд этилади. Шу билан биргаликда эълон килинган муайян тоифа ва турдаги акциялар микдори кушимча жойлаштирилган шундай тоифа ва турлаги акциялар сонига қисқартирилиши керак.

4.2. Жамиятнинг Устав фондини камайтириш.

4.2.1. Жамиятнинг Устав фонди акцияларнинг номинал кийматини камайтириш ёки уларнинг умумий ҳажмини қисқартириш йули билан, шу жумладан жамият томонидан акцияларнинг бир қисми сотиб олиниб, кейинчалик уларни муомаладан чиқариш йули билан камайтирилиши мумкин.

4.2.2. Устав фондини камайтириш натижасида жамиятнинг Уставига тегишли узгартиришлар киритилган санада белгиланадиган жамият Устав фондининг энг кам микдори қонунчиликда урнатилган микдоридан кам бўлиб қоладиган бўлса, жамият Устав фондини камайтириш ҳукукига эга эмас.

4.2.3. Устав фондини камайтириш ва Жамиятнинг Уставига тегишли узгартиришларни киритиш ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади.

4.2.4. Акциядорларнинг умумий йигилиши Устав фондини камайтириш ҳақида қарор қабул қилганда Устав фондини камайтиришнинг сабабларини курсатади ҳамда Устав фонди камайтирилиши тартибини белгилайди.

5 МОДДА

ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ НОМИНАЛ КИЙМАТИ, КУШИМЧА АКЦИЯЛАР ЖОЙЛАШТИРИШ ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН УЗ АКЦИЯЛАРИНИ КАЙТА СОТИБ ОЛИНИШИ

5.1. Жамият акциялар облигациялар ва қимматли қогозларни мазкур Устав ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги белгиланган тартибда чиқаришга ҳақлидир.

5.2. Жамиятнинг кимматли коғозларини чиқариш, руйхатдан утказиш, жойлаштириш ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, мазкур Устав ҳамда чиқариш ҳақидаги қарорга қура белгиланади.

5.3. Жамият ҳар бир донасининг номинал қиймати 250 (икки юз эллик) сум бўлган акцияларни чиқаради.

5.4. Жамият қуйидаги қуринишдаги ва турдаги акцияларни чиқаради:

Акцияларнинг қуриниши:

- эгаси ёзилган нақдсиз.

Акцияларнинг тури:

- оддий.

5.5. Акцияларнинг эгаси - акциядор деб факатгина жамиятнинг акциядорлар реестрига киритилган жисмоний ёки юридик шахс ҳисобланади. Акциядорлар реестрида руйхатдан утган шахс узи ҳақидаги маълумотлардаги узғаришларни реестр юритувчига уз вақтида ахборот бериши шарт. Акциядор узи га тегишли узгарган маълумотларни уз вақтида тақдим этмаганлиги сабабли қурган зарарлар учун жамият ва реестр юритувчиси жавобгар бўлмайдилар.

5.6. Жамият очик ва ёпик обуна бўлиш орқали жамият акцияларига конвертацияланадиган акциялар ва кимматли коғозларни жойлаштириш ҳуқуқига эга.

5.7. Жамиятнинг қушимча кимматли коғозларини жойлаштириш, ушбу қушимча кимматли коғозларини жойлаштириш ҳақидаги қарорда белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.8. Жамият акциясига конвертацияланадиган акциялар ва кимматли коғозларнинг жойлаштирилиши усуллари (очик ёки ёпик обуна бўлиш) чиқариш ҳақидаги қарорда белгиланади.

5.9. Кимматли коғозлар учун тулов шакли, уни сотиб олишда акциядорларнинг имтиёзли ҳуқуқини қўллаш кимматли коғозларни чиқариш ҳақидаги қарорда белгиланади.

5.10. Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигида белгиланган ҳолатларда умумий мажлис ёки қўзғатув кенгашининг қарорига асосан жамият узининг жойлаштирилган акцияларини қайта сотиб олиш ҳуқуқига эгадир.

6 МОДА

ДАРОМАД (ФОЙДА)НИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАКСИМЛАШ ВА ЗАРАРЛАРНИ ҚОЎЛАШ ТАРТИБИ

6.1. Жамиятнинг ҳужалик фаолияти натижасида оладиган амалдаги қонунчиликга биноан солиқлар тулангандан кейин қолган даромади (фойдаси) жамият ихтиерида қолади ҳамда реинвестицияларга йўналтирилади. шунингдек Жамият фондларини ташкил этиш ҳамда амалдаги қонунчилик ва ушбу Уставга биноан акциялар бўйича дивидендларини тулаш учун ишлатади.

6.2. Акциядорлик Жамиятининг умумий йиғилиши қарорига биноан дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қўнуний тулов воситалари билан туланиши мумкин.

6.3. Дивидендлар акциядорлар уртасида уларга тегишли акцияларнинг сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

6.4. Жамият йилнинг ҳар қоррагида, ҳар ярим йилда ёки йилига бир марта жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тулаш ҳақида қарор қабул қилишга (эълон қилишга) ҳақлидир.

6.5. Акция эгаси эгаси ёхуд унинг қўнуний қориси томонидан қўнун томонидан белгиланган муддат ичида талаб қилинмаган дивидендлар умумий йиғилиш қарори Жамият тасарруфида қолдирилади.

6.6. Жамият қуйидаги ҳолатларда акциялар бўйича дивиденд тулаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

6.7.

- жамият бутун Устав фонди батамом тулангунга қадар;
- агарда дивидендлар туланадиган вақтда Жамиятда туловга лаёқатсизлик (банкротлик) белгилари бўлса ёки дивидендлар тулаш натижасида жамиятда шундай белгилар пайдо бўлса;
- агарда соф активларнинг қиймати унинг Устав ва захира фондлари йиғиндисидан кам бўлса.

7 МОДА

ЗАХИРА ВА БОШҚА ФОНДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Жамият Устав фондидан 15 (ун беш) қориз миқдорда захира фонди ташкил этилади. Жамиятнинг захира фонди белгиланган ҳажмга етгунга қадар йиллик соф фойдадан мажбурий туловлар ҳисобига шакллантирилади. Захира фондига йиллик туловлар миқдори соф фойданинг 5 (беш) қоризини ташкил этади.

7.2. Жамиятнинг захира фонди курилган зарарларни коплаш. Жамият облигацияларини муомаладан чикариш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг конунларига ва ушбу Уставга мувофик равишда акцияларни сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга булган акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун мулжалланади.

7.3. Захира фонди бошка мақсадларда ишлатилиши мумкин эмас.

8 МОДДА

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Акциядорлар қуйидагиларга ҳақлидирлар:

- жамиятнинг акциядорлар реестрига киритилиш;
- жамият депозитарийсидан, депо ҳисобидан қучирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилишида унга тегишли булган ҳиссасига мувофик жамият мулкининг бир қисмини олиш;
- акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молиявий-ҳужалиқ фаолияти ҳақида жамият уставига мувофик тулик ва тугри маълумотлар олиш;
- олинган дивидендларини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қозғалар бозорини тартибга солиш ва мувофиклаштириш буйича давлат томонидан вакил қилинган органда, шунингдек судда уз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- инвестиция институтлари ва эмитентларнинг тажрибасиз ёки ноҳалол ҳаракатларидан етказилган зарарни қоплатиш;
- уз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ҳамда бошка ташкилотларга бирлашиш;
- қимматли қозғаларни сотиб олишда зарар ва (ёки) талафот қуриш эҳтимоли билан боғлиқ булган таваккалликни сугурта қилиш.

8.2. Акциядорлар мажбурияти қуйидагилардир:

- ушбу Уставда белгиланган тартибда, миқдорда ва усулларда акцияларнинг пулини тулаш;
 - ушбу Устав ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигида урнатилган тартибда Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
 - ушбу Уставда белгиланган доирада Жамиятнинг бошқаруви органи қарорларига буйсуниш;
- Жамият фаолияти тугрисида махфий ахборотни ошқор қилмаслик.

8.3. Жамиятнинг ҳар бир оддий акцияси унинг эгаси булмиш акциядорга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради.

8.4. Жамият акциядорлари ушбу Устав ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигида белгиланган бошка ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар.

9 МОДДА

ЖАМИЯТНИ БОШҚАРИШ ТУЗИЛМАСИ

9.1. Акциядорлик Жамиятини акциядорларнинг умумий йигилиши, қузатув кенгаши ва ижроия органи бошқаради.

9.2. Жамиятнинг ташкилий тизими қуйидагидан иборат:

- акциядорларнинг умумий йигилиши, қузатув кенгаши, ижроия органи, тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати ва акционерларнинг миноритар қумитаси.

10 МОДДА

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ

10.1. Акциядорларнинг умумий йигилиши Жамият бошқарувининг олий органидир.

10.2. Акциядорларнинг умумий йигилиши утказилиши санаси ва тартиби, акциядорларга умумий мажлис ҳақидаги хабарни етказиш тартиби умумий мажлисни утказишга тайёргарлик қуриш учун акциядорларга тақдим этиладиган ҳужжатлар руйхати Жамиятнинг қузатув кенгаши томонидан белгиланиб, Ўзбекистон Республикаси конунчилиги томонидан тартибга солинади.

10.3. Жамият акциядорларининг йиллик ҳисобот умумий мажлиси молиявий йил якунидан сунг 6 (олти) ойдан кеч булмаган муддат ичида утказилиши шарт.

10.4. Акциядорларга умумий мажлис утказилиши хақида хабар, мажлис булиб утадиган санадан 7(етти) кун кеч 30(уттиз) кундан олдин булмаган холда утказилиши лозим.

10.5. Умумий мажлиснинг утказилиш тартиби (регламента) умумий мажлис раисининг таклифига биноан умумий мажлисда тасдикланади.

11 МОДДА

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

11.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий рахбарлик қилади, конунга кура акциядорлар умумий йигилишининг мутлак ваколатлари доирасига киритилган масалаларни хал этиш бунда мустаснодир.

11.2. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий мажлиси томонидан 1 (бир) йил муддатга сайланган 9 (туққиз) нафар аъзолардан таркиб топади. Комулятив овоз бериш усулида купчилик овозини туплаган номзод Кузатув кенгашига сайланган деб ҳисобланади.

11.3. Кузатув кенгаши ҳаракатларини амалга ошириш ва унинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасини амалдаги конунчилик ҳамда ушбу уставга кура белгиланади.

11.4. Ушбу Уставга кура Кузатув кенгашига куйидаги ваколатлар юқлатилади:

- акциялар номиналини ошириш йули билан, ёки эълон қилинган акциялар доирасида қушимча акциялар чиқариш йули билан жамият устав фондини ошириш хақида қарор қабул қилиш;
- устав фойдини ошириш билан боғлиқ қушимча ва узгаргиришларни жамият уставига киритиш;
- жамиятнинг қимматли қозғаларини жойлаштириш;
- жамият мулкнинг бозор нарҳини аниқлашқни ташкиллаштириш
- конунда белгиланган ҳолатларла Жамият томонидан жойлаштирилган акция, облигация ва бошқа қимматли қозғаларини сотиб олиш;
- янги йил учун, йиллик бизнес режани маъқуллаб умумий йигилишда тасдиқлашга тақдим этиш;
- ижроия органига туланадиган ҳақ ва бадаллар миқдорини белгилаш;
- яккабош ижроия органи, бошқарув ташкилоти ёки бошқарувчи билан шартномани муддатдан аввал тухтатиш хақидаги қарорни қабул қилиш;
- умумий мажлис утказгунга қадар вақтинча яккабош ижроия органи вазифасини бажарувчини тайинлаш;
- ички аудит тайинлаш;
- дивиденд тулов миқдорини аниқлашда маслаҳат бериш;
- жамиятни бошқариш органларининг фаолиятини тартибга соладиган ҳужжатларни тасдиқлаш;
- Жамиятнинг филиал ва ваколатхоналарини очиш;
- мулкни сотиб олиш ва сотиш буйича йирик битимларни тузиш тасдиқлаш;
- манфаатдорлик булган битимларни тузишни тасдиқлаш;
- акциядорлик жамияти бошқа. жамият иштирокида битим тузишини тасдиқлаш;
- ушбу Устав ва амалдаги конунчилик асосида кузатув кенгаш ваколатига киритилган бошқа масалаларни хал қилиш.

Кузатув кенгаши ваколатига берилган масалаларни, ижроия органига руҳсатсиз хал қила олмайди.

11.5. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгаши раисининг ташаббуси билан, ёки кузатув кенгаши аъзоси, тафтиш комиссияси ёки Жамиятнинг ижроия органи ва Уставда белгиланган бошқа шахсларнинг талабига биноан чақирилади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисини чақириш ва утказиш тартиби ушбу Устав ва амалдаги конунчилик асосида амалга оширилади.

11.6. Кузатув кенгаши мажлисини утказиш учун қворум сайланган кузатув кенгаш аъзолари умумий сонидан 75%-дан кам булмаслиги керак.

Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлис иштирок этувчиларнинг купчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгаши мажлисида масалалар хал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга булади.

11.7. Ушбу Уставда кузатув кенгаш аъзоларининг қарор қабул қилишда овозлари тенг булган тақдирда Жамият кузатув кенгаши раисига хал қилувчи овоз ҳуқуқи берилади.

12 МОДА

ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

12.1. Жамиятнинг қундалиқ фаолиятига рахбарлик, акциядорлар умумий йигилишида 1 (бир) йил) муддатга сайланган яккабош ижроия органи, яъни директор томонидан амалга оширилади. Жамият директори танлов асосида, номзодлар орасидан сайланиши мумкин.

12.2.Директор ваколатларига Жамиятининг кундалик фаолиятига рахбарлик қилиш буйича барча масалалар қиради, акциядорлар умумий йигилишининг ёки кузатув кенгашининг мутлак ваколатлари доирасига киритилган масалалар бундан мустаснодир.

12.3.Директор Жамиятнинг умумий йигилиши ва кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкиллаштиради.

12.4.Директор ишончномасиз Жамият номидан ҳаракат қилади. шу жумладан Жамият манфаатларини қўзғайди. Жамият номидан битимлар тузади. Штатларни тасдиқлайди. буйруғлар чиқаради. Жамиятнинг барча ходимлари бажариши лозим бўлган буйруқлар чиқаради ва курсатмалар беради.

12.5.Директорнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари кузатув кенгаши раиси томонидан имзоланган шартнома асосида белгиланади.

12.6.Кузатув кенгаши шартнома шартлари бузилган тақдирда Директор билан шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

13 МОДА

ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

13.1.Акциядорлар умумий йигилишида Жамиятнинг молиявий-ҳужалик фаолияти назоратини амалга ошириш мақсадида Жамиятнинг мазкур Уставига мувофиқ равишда 1(бир йил) муддатга 3 нафар аъзосидан иборат таркибда тафтиш комиссияси сайланади.

13.2.Тафтиш комиссияси ваколати мазкур Устав ва қонун томонидан белгиланади.

13.3.Тафтиш комиссияси иш фаолиятининг тартиби акциядорлар умумий йигилишида тасдиқланади.

13.4.Жамиятнинг 1 йиллик еки бошқа муддат ичидаги молиявий-ҳужалик фаолияти натижалари буйича текширишлар тафтиш комиссияси ташаббуси билан. акциядорлар умумий йигилиши еки кузатув кенгаши қарорларига биноан. Жамиятнинг овоз берувчи акцияларнинг 5(беш) фоизига эгаллик қилувчи акциядор (акциядорлар)нинг талабига биноан утқазилади.

13.5.Жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан Жамиятнинг бошқарув органларидаги мансабдор шахслар жамиятнинг молиявий-ҳужалик фаолияти тугрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

13.6.Жамият акциядорларининг йигилишига тақдим этиладиган йиллик ҳисоботда маълумотлар тугрилиги Жамиятнинг тафтиш комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

13.7.Курсатиб утилган ҳужжатларни матбуотда эълон қилишидан олдин Жамият йиллик текширув ва йиллик молиявий ҳисоботини тасдиқлаш мақсадида Жамият ёки унинг акциядорлари билан мулкӣ манфаатлар асосида боғлиқ бўлмаган аудиторини жалб этиши шарт.

13.8.Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорининг йиллик умумий йигилиши утқазилариган санадан камида 30 кун олдин кузатув кенгаши томонидан олдиндан тасдиқланиши лозим.

13.9.Жамиятнинг молиявий-ҳужалик фаолиятини текшириш солиқ ва молия органлари бошқа давлат органлари томонидан уларни ваколати доирасида, шунингдек зарур бўлган ҳолатларда тузилган шартномалар асосида аудиторик хизматлари томонидан амалга оширилади.

14 МОДА

ЖАМИЯТНИ КАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

14.1.Жамиятни қайта ташкил этиш, қушиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб юбориш ва қайта ташкил этиш тарзида умумий мажлис қарорига асосан амалга оширилади.

14.2.Янгитдан ташкил этилган юридик шахслар давлат руйхатига олинган пайтдан эътиборан Жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади. бирлаштириш тарзида қайта ташкил этиш бундан мустаснодир.

14.3.Жамият бошқа Жамиятга қушиб юбориш йули билан қайта ташкил этилганда, давлат руйхатга олиш органи қушилиб юборилган жамият уз фаолиятини тухтагани ҳақидаги қайдни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритган пайтдан эътиборан қушиб юборилган Жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади.

14.4.Қайта ташкил этиш натижасида янгидан вужудга келган Жамиятларни давлат руйхатидан утқизиш ҳамда қайта ташкил этилган Жамиятларининг фаолияти тухтатилганлиги тугрисидаги қайдни киритиш қонунчилиқ ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

14.5.Қайта ташкил этиш тугрисидаги қарор қабул қилинган санадан эътиборан Жамият 30(уттиз) кундан кечиктирмай уз кредиторларини бу ҳақда ёзма равишда хабардор этади. Кредитор Жамиятдан мажбуриятларни тухтатиш ёки муддатидан илгари бажариш ҳамда зарарни қоплашни қуйидаги муддатларда ёзма равишда хабар бериш йули билан талаб

килишга ҳақлидир:

- кушиб юбориш, бирлаштириш ёки қайта тузиш тарзида қайта ташкил этиш ҳақидаги хабарни Жамият кредиторига юборган санадан бошлаб узоғи билан 30 кун ичида;
- булиб юбориш ёки ажратиб юбориш тарзида қайта ташкил этиш тугрисидаги хабарни Жамият кредиторига юборган санадан бошлаб узоғи билан 60 (олтмиш) кун ичида.

14.6. Агар булиниш баланси қайта ташкил этилаётган Жамиятнинг ҳуқуқий ворисини аниқлаш имконини бермаса, янги вужудга келган юридик шахслар қайта ташкил этилган Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан унинг кредиторлари олдида солидар жавобгар буладилар.

14.7. Кузатиш комиссияси юридик шахсларни руйхатга олиш тугрисидаги маълумотлар эълон қилинадиган матбуот органларида Жамиятнинг тугатилиши, унинг кредиторларининг талаб қуйиш тартиби ва муддатлари ҳақида хабар эълон қилади. Кредиторларнинг талаб қуйиш муддати Жамият тугрисида хабар эълон қилинган санадан эътиборан икки ойдан кам булмаслиги лозим.

14.8. Агар тугатиш тугрисида қарор қабул қилинган вақтга келиб, Жамият уз кредиторлари олдида мажбуриятларга эга булмаса, унинг мол-мулки акциядорлар уртасида амалдаги қонунчилик асосида тақсимланади.

14.9. Жамият тугатиш комиссияси кредиторларини аниқлаш ва дебиторлик қарзларини олиш чора тадбирларини куради. шунингдек кредиторларни Жамиятни тугатилиши тугрисида ёзма равишда хабардор қилади.

14.10. Кредиторларнинг талаб қуйиш муддати тугаганидан кейин тугатиш комиссияси оралик тугатиш балансини тузади. Мазкур балансда тугатилаётган Жамият мол-мулкининг таркиби, кредиторлар қуйган талаблар, шунингдек, уларни қараб чиқиш натижалари тугрисидаги маълумотлар булади. Оралик тугатиш баланси акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тугатилаётган Жамиятни давлат руйхатидан утказган орган билан қелишилган ҳолда тасдиқланади.

14.11. Агарда тугатилаётган Жамиятнинг мавжуд пул маблағлари Кредиторларининг талабларини қондириш учун етарли булмаса тугатиш комиссияси Жамиятни бошқа мол-мулкини қим ошди савдосида сотишни амалга оширади.

14.12. Тугатилаётган Жамият кредиторларига пул суммаларини тулаш тугатиш комиссияси томонидан оралик тугатиш балансига мувофиқ қонунчилик ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида мазкур баланс тасдиқланган кундан эътиборан амалга оширилади.

14.13. Кредиторлар билан ҳисоб-қитоб қилиниб булингандан кейин тугатиш комиссияси тугатиш балансини тузади, бу баланс акциядорларининг умумий йигилиши томонидан тугатилаётган Жамиятни давлат руйхатидан утказган орган билан қелишилган ҳолда тасдиқланади.

«ҲОҲКОН» Акциядорлик жамияти
Директори

Ишқабиллов Ҳ.Д.